2006 йил, 10 март, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 47 (10.604)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикасининг*

ҚОНУНИ

## ГЎУОМ ИШТИРОКЧИ ДАВЛАТЛАРНИНГ КОНСУЛЛИК МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗАРО ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА КОНВЕНЦИЯНИ (ЯЛТА, 2001 ЙИЛ 7 ИЮНЬ) ДЕНОНСАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 27 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

ГЎУОМ иштирокчи давлатларнинг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида Конвенция (Ялта, 2001 йил 7 июнь) денонсация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2006 йил 9 март.*

## НАВРЎЗИ ОЛАМ ЯҚИН

# ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

**11-12 МАРТ КУНЛАРИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА, ЖУМЛАДАН ПОЙТАХТИМИЗДА УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ. УНДА ФАОЛ ҚАТНАШИБ, ШАҲРИМИЗ ОБОДЛИГИГА ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАЙЛИК**





## Тошкентим — боғу бўстоним

Қадимий ва ҳаммамизга бирдай ардоқли бўлган ва орзиқиб кутаётган Наврўз — самимийлик, яхшилик ва қувонч бахшида этувчи, ҳар биримизни ёруғ кунларга етказиб, янги орзулар, эзгу ниятлар сари ундовчи баҳор байрами кириб келишига ҳам саноқли кунлар қолди.

Назаримизда, бир қараганда, бу файзу тароватга тўла фаслни фақат шоирлар куйлашга қодир деб ўйлаймиз. Аммо, тан олишимиз керак, шу кутлуғ кунларда Наврўз ҳисси, унинг ифори, куч-қудрати ҳар ерда намоён бўлаётганини сезиш қийин эмас. Энг муҳими биз доимо янги кун, яшариш ва янгиланиш тимсоли — Наврўзни интиқлик билан кутиб олишга шайланамиз. Биз Наврўзга қадам қўймоқдамиз. Бу оддий ҳақиқат бўлсада, аммо унда ҳаёт фалсафаси мужассамдир: Наврўз инсонларга янги куч, мустаҳкам соғлиқ ато этар экан, биз бундай ёруғ кунларга шукроналар айтамиз.

Наврўзнинг яратувчанлик кучи дея таърифланиши ҳам бежиз эмас. Шу боисдан баҳор айёмини муносиб кутиб олиш учун ҳашар йўли билан, ҳамжиҳатликда, биргаликда ён-атрофни, барча гўшаларни саранжом-саришталаш, кенг миқёсда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ошиқамиз.

Анъанага кўра, бу йил ҳам Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан март ойи ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилиниб, 11-12 март кунлари умумхалқ ҳашарини ўтказиш белгиланди. Ушбу ҳукумат қарори халқимизга хос бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, жамиятимизда меҳнатсеварлик ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, маҳаллалар, кўчалар ва хиёбонларни ободонлаштириш, мамлакатимиздаги санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилашга йўналтирилган бўлиб, шубҳасиз, бу борадаги саъй-ҳаракатлар том маънода кириб келаётган баҳор байрамини муносиб ва кўтаринки руҳда кутиб олишга хизмат қилади.

Фармойишга мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳам махсус қарори қабул қилиниб, унда ободонлаштириш ойлиги ҳамда икки кунлик ҳашар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Бунда нафақат ободонлаштириш ишларини амалга оширишга, балки саховатпешалик тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Тегишли тузилмаларга туман ҳокимликлари билан биргаликда аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламига, шу жумладан Меҳрибонлик, Мурувват, Саховат уйларини таъмирлаш ва ободонлаштириш масалаларида ҳам моддий ёрдам кўрсатиш лозимлиги қайд этилган.

Ҳашар кунларида кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам авжида бўлади, хусусан, кўплаб янги кўчатлар, айниқса атиргуллар, игнабаргли дарахтлар экилиши режалаштирилган. Олдинги йиллар тажрибасидан келиб чиқан ҳолда янги ўтказилган кўчатларни доимий парваришлаш ишлари узоқ муддатли тадбирлар қаторига киритилган бўлиб, ҳар бир яшил ҳудудга аниқ субъектларни бириктириш лозимлиги эътибордан четда қолмайди.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси департаменти маълумотига кўра, бу йилги ҳашарда 22 та акциядорлик жамиятлари мақомидаги бозорлар ва уларнинг шохобчалари ҳудудида фаолият юритаётган 12 мингдан зиёд савдо ва умумий овқатланиш объектлари вакиллари ҳам фаол иштирок этиши кўзда тутилган.



Меҳнат жамоаларида ҳашарга бош-қошлик қилиш бу йили асосан касаба уюшмалари зиммасига юклатилган, демак, эрта-индин касабачилар ҳар бир ҳаракатда ҳозиру нозир бўлишга шайланишлари лозим бўлади. Бундан ташқари, шаҳримиз меҳнаткашлари марказий кўчаларда олиб борилаётган ободонлаштириш ишларида ҳам кенг қатнашиш истагини билдиришган.

Наврўз байрамига юртимизга кўплаб меҳмонлар ташрифи кутилмоқда. Бу дегани, чора-тадбирлар режасида кўрсатиб ўтилганидек, меҳмонлар заминимизга биринчи қадам ранжида қилишиданоқ Наврўз шукуҳини сезиб туришлари учун барча тараддудни кўрмоқ лозим. Жумладан, аэропорт атрофи ҳудудида катта ҳажмдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиб, бунда нафақат пойтахтликлар, балки Тошкент вилояти аҳолисининг иштироки ҳам таъминланади.

Ҳар галгидек, «Маҳалла» жамғармаси ҳашар тадбирларига мувофиқлаштирувчи сифатида бошчилик қилади. 11-12 март кунлари туну-кун республика, вилоят, шаҳар ва туманлар кесимида махсус штаблар ташкил этилиб, бу ерга ҳар соат давомида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар тўплаб борилади. «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлимининг дастлабки маълумотларига кўра, эртага ва индинга умумхалқ ҳашарида 700 мингга яқин ҳамшаҳарларимиз иштирок этади. Хайрия тадбирлари доирасида 400 гектар пойтахт ҳудуди ободонлаштирилади, 700 минг километр ирригация тармоқлари тозаланади, 300 мингга яқин манзарали ва мевали дарахтлар кўчатлари ўтқазилади, 600 мингта дарахтларга шакл берилиб, оқланади. Шунингдек, 350 та кўп қаватли уйларнинг ташқи кўриниши жорий таъмирдан чиқарилади. Алоҳида эътибор хотирлаш жойларига ҳам қаратилади.

Ҳашарда барча меҳнат жамоалари, ўқувчилару талабалар, маҳалла аҳли фаол қатнашади. Анъанага кўра, шу куни ишлаб топилган маблағлар «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари хисоб рақамларига ўтказилиб, ўз навбатида 474 та ўзини ўзи бошқариш органлари инфратузилмасини ривожлантиришга, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга сарфланади.

Пойтахт кўчаларининг тоза ва покиза бўлиши борасида шаҳримиз автокорхоналари ҳам беминнат хизмат қилишга шайланган. «Махсустранс» корхонаси томонидан қурилиш-маиший чиқиндиларни турар жой ҳудудларидан олиб чиқиб кетиш учун 350 та турли автомеханизмлар ажратилиши режалаштирилган. Дарвоқе, «Махсустранс» раҳбарияти ҳашар кунлари барча хўжалик субъектларига махсус техника билан ёрдам кўрсатиши мумкинлигини эълон қилган, бунинг учун, албатта, олдиндан буюртма бериш лозим, шу жумладан 397-79-21 телефони орқали ҳам керакли маълумот олиш мумкин бўлади.

Яна бир муҳим хабарни ҳамшаҳарларимизга етказмоқчимиз. Маълумки, ҳар йили Мустақиллик байрамига бағишлаб пойтахтимизда қишлоқ хўжалик ярмаркалари ўтказилиши анъанага айланиб қолган. Энди эса 12 та вилоят ҳокимликлари билан келишилган ҳолда бундай ярмаркалар доимий равишда, аниқроғи маҳаллалар ҳудудларида ташкил этилиб хизмат кўрсатади. Шу туфайли ҳашар кунлари маҳалла фаоллари жойларда махсус савдо шохобчаларини жиҳозлаш юзасидан тегишли ташкилий ишларни олиб борадилар, чунки Наврўз байрамидан бошлаб савдо расталари ўз ишини бошлаши режалаштирилмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

**• Кеча Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Соф энергия ва энергияни тежаш» мавзуида 1-халқаро ихтисослашган кўргазма ҳамда илмий-амалий конференция ўз ишини бошлади. IEG Uzbekistan халқаро кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбир Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, «Ўзбекнефтгаз» МХК ва «Ўзбекэнерго» ДАК ёрдамида ўтказилаётган бўлиб, унда 10 га яқин давлатдан 23 та компания иштирок этмоқда.**

**• Ўтган йилнинг декабрь ойида Azerbaijon habo yollati Давлат концерни ва «В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамияти Бокуга Ил-76 ТД-90 ВД янги модернизациялаштирилган самолётларни етказиб бериш жадвалини белгилагандилар. 3 та ушбу ҳаво кемасидан дастлабкиси Озарбойжонга жорий йилнинг май ойида юборилади.**

**• Наврўз айёми арафасида ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчи тўрттадан кўчат экади. Андижон вилояти Кўрғонтепа туман ўқитувчилар жамоаси шундай ташаббус билан чиқишди. Ушбу хайрли ташаббусни «Нуроний-устоз» вилоят халқ таълими бошқармасининг фахрийлар кенгаши, вилоят ҳокимлиги қўллаб-қувватлади. Улар умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, вилоят олий ўқув юртлари жамоалари ўртасида кўкаламзорлаштириш бўйича кўрик-танлов эълон қилишди.**

**• Навоий вилоятида Дашт-Нагорний канали қурилиши бошланди. 12,8 чақирим узунликдаги канал қурилишини «Навоийсувтаъмирлаш» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари амалга оширмоқда. Янги канал ишга тушгач Навоий шаҳри, Бунёдкор, Тинчлик қўрғонлари ва Кармана туманидан 1,5 минг гектар экинзорларнинг сув таъминоти яхшиланади.**

**• 11-12 март кунлари Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида эркин кураш бўйича FILAнинг «Олтин Гран при» туркумига кирувчи «Ўзбекистон мустақиллиги кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтади. Мазкур халқаро турнирда Россия, Украина, АҚШ, Япония, Грузия, Греция, Қозоғистон, Беларусь каби дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган номдор полвонлар кураш олиб боради.**

**• Ўзбекистон Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси БМТнинг Тараққиёт дастури (ПРООН) билан ҳамкорликда Тошкентда семинар ташкил этди. Ушбу анжумандаги бош мавзулардан бири чиқиндиларнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш билан боғлиқ бўлди.**

### ЖАҲОНДА

**• БМТ Бош котиби Кофи Аннан АҚШни давлат маъмуриятининг айрим вакилларининг Эронга нисбатан чиқишлари жуда кескин ва ҳақоратли эканлиги тўғрисида огоҳлантирди.**

**• Шимолий Осетияда юз берган кучли бўрон натижасида кўплаб электр узатиш тизимлари ишдан чиқди, дарахтлар илдизларидан қўпорилди, айрим томлар босиб қолди. Сув тизимида узилишлар бўлди. Айниқса Владикавказ шаҳрида мураккаб ҳолат юзага келди.**

**• Буюк Британияда жиноятчилар инкассатор машинасига ҳужум уюштиришиб, 1 миллион фунт стерлинг миқдоридаги пулни ўғирлаб кетишди.**

**• Ўз вақтида ҳеч қандай компьютер графикаси ва махсус эффектларсиз бетакрор эртак-фильмлар яратган россиялик машҳур кинорежиссёр Александр Роунинг таваллудига юз йил тўлди.**

**• Россиянинг Амур области Тинда шаҳридаги банклардан бирига кирган, банкдан тўрт миллион рубл қарзи бўлган киши граната билан ўзини портлатиб юборди. Фожеа натижасида атрофдаги тўрт киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 11 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди.

Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 6-8, кундузи 20-22 даража иссиқ бўлади.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

• **БУГУН** Ҳамза туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан сардорлар иштирокида ўтказилган семинар қадрият ва урф-одатларимизга бағишланди.

• **КЕЧА** Учтепа туман ҳокимлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати депутатлари билан фаоллар иштирокида уюштирилган учрашув «Аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда қонунлар устуворлиги» деб номланди.

• **ЎТГАН** куни «Камолот» ЁИҲ Бектемир туман бўлими Кенгашида сардорлар иштирокида ўтказилган семинар «Онажон—муътабар» лойиҳаси доирасида уюштирилди.

• **БУГУН** Тошкент шаҳар 1-клиник шифохонасида «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман таянч масакани ҳамкорликларида ўтказилган тадбир Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

• **БУГУН** Яккасарой туманида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан ёшлар иштирокида «Миллий истиқлол ғоясини бирлаштирувчи куч» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

• **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Минор» маҳалласида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ҳашар уюштирилди.

• **БУГУН** Сергели туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Миллий қадриятларимиз» мавзуида уюштирилган давра суҳбатида фаоллар, ёшлар иштирок этишди.

• **БУГУН** Собир Раҳимов туманида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ободонлаштириш ишлари ташкил этилди.

• **ЯККАСАРОЙ** туманидаги "Ўриксор" маҳалласида туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Абдулла Авлоний номидаги маданият уйи, "Камалак" кутубхонаси ҳамкорликларида Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий билан ижодий учрашув ўтказилди.

• **УЧТЕПА** туманидаги 312-мактабда "Бола тарбиясида ота-онанинг роли" мавзуида "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатида ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар ҳамда "Ўриксор" маҳалласи фаоллари иштирок этишди.

• **МИРЗО** Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Мирзо Улуғбек туман хотин- қизлар қўмитаси ташаббуси билан аёллар ўртасида югуриш мусобақалари ўтказилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Кувайт Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал- Жобир ас-Сабоҳга Ўзбекистон Республикасининг Кувайт Давлатидаги элчиси Абдурафиқ Ҳошимов ишонч ёрлиқларини топширди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ икки томонлама муносабатлар ва уларни ривожлантириш истиқболлари масалаларига эътибор қаратди. Кувайт Амири Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 2004 йил январь ойидаги расмий ташрифи Ўзбекистон — Кувайт муносабатларида муҳим воқеа бўлганини қайд этиб, Кувайт уларни келажакда ҳам ривожлантиришдан манфаатдорлигини таъкидлади.

**«Жаҳон» А.А**

№ 47 (10.03.2006)

**АЙНИ БАҲОР ФАСЛИ БОШЛАНИШИ БИЛАН ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЭНГ ФАЙЗЛИ, КЎРКАМ ГЎШАЛАРИДАН САНАЛМИШ МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧИБ, УЛУҒВОР ҚИЁФАГА КИРГАНЛИГИНИНГ ГУВОҲИ БЎЛМОҚДАМИЗ.**

# МУҚАДДАС ГЎШАНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШДИ

Президентимиз томонидан шу йил 3 февралда қабул қилинган «Мустақиллик ва эзгулик монументи тўғрисида»ги Қарор мазкур майдоннинг мақомини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этди. Эндиликда мазкур бош майдон қутлуғ зиёратгоҳга айланди. Бу ерда қад ростлаган Мустақиллик ва эзгулик монументи, унда акс этган Бахтиёр Она ва бола тимсоли бош майдонимизга ўзгача файз киритиб турибди. Зеро оналар билан ҳаётимиз нурафшон, оилаларимиз файзли ва ободдир.





Айниқса халқаро Хотин-қизлар байрами арафасида Мустақиллик майдони зиёратга келган ҳамшаҳарларимиз билан янада гавжум бўлди. Жумладан Собир Раҳимов туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан тумандаги фаол аёллар, маҳалла хотин-қизлар комиссияси раислари ҳамда маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳам Мустақиллик майдонини зиёрат қилиш учун ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулдасталар қўйдилар.

- Бу ерда амалга оширилган кенг кўламдаги қурилиш, ободонлаштириш ишлари, бутунлай янги қиёфага кириб гўзал бир масканга айланган бош майдонимизни кўриб туманимиз аёлларининг ҳам қалблари фахр-ифтихорга тўлди,-дейди Собир Раҳимов туман ҳокими Бахтиёр Ҳакимов. — Хотин-қизлар байрами арафасида туманимиз фаол аёлларига байрам совғаси сифатида Мустақиллик майдонига саёҳат ташкил этдик. Ўйлайманки, бу саёҳат аёлларимиз учун ҳам зиёрат, ҳам кўнгилли маданий ҳордиқ бўлди, десам адашмайман. Эндиликда аёлларимиз Юртбошимиз ташаббуслари билан қутлуғ зиёратгоҳга айланган Мустақиллик майдони, бу ердаги туб ўзгаришлар ҳақида оилаларида фарзандларига, маҳалладошларига таассуротларини сўзлаб, бошқаларни ҳам бу муқаддас масканга чорлаб қоладилар.

Дарҳақиқат, айни кунда Мустақиллик майдони гўё эзгулик нурини таратиб, оламни нурафшон айлаётган сеҳрли, мўъжизакор гўшага айланганлиги шубҳасиз.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов туманининг бир гуруҳ фаол аёллари Мустақиллик ва Эзгулик монументига гулдасталар қўйишмоқда.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар**

# ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2006 йил Юртбошимиз ташаббуси билан Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинган. Ҳашар кунлари жорий йил йўналиши юзасидан қабул қилинган дастурий вазифалар ўзининг ёрқин ифодасини топади, деган умиддамиз. Хусусан, ҳомийлик ҳаракати кенг тус олиши кутилмоқда. Ҳудудлар тозалиги, саранжом-саришта қилиниши билан бирга, ҳашар кунлари якка-ёлғизлар, ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилади. Ўйлаймизки, бу борада ташаббус нафақат маҳалла, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, камолотчилардан, балки бевосита хўжалик субъектлари томонидан ҳам кўрсатилади. Наврўз айёми арафасида ёшлик даврини турли соҳалар ривожига сарфлаб, эндиликда узоқ давомли меҳнат таътилида бўлган пенсионерларимизни ҳам унутмаслигимиз лозим. Қани энди, куч бўлсайди, улар яна биринчилар қаторида ўз меҳнат жамоаларида ҳашарни бошқаришга отланса, аммо ёшлик ортда қолди. Бу ҳиссиётни ҳам биз, ёшлар, тушунишга ҳаракат қилмоғимиз лозим. Ота-оналаримиз бизга «бошинг оқарсин», дея тилак билдиришларида эса пурмаъно бор: ҳар бир инсон узоқ умр кўрсин, ёши улуғ бўлсин...

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» республика ва ҳудудий дастури, шунингдек Мактаб таълимини ривожлантириш давлат Умуммиллий дастурига мувофиқ пойтахтимизда бир қатор янги иншоотлар қад ростлаб, 20 дан зиёд тиббиёт ва учта умумтаълим муассасаси реконструкция қилинади. Бундан ташқари, Миллий ва Техника университетлари ҳамда Тошкент Тиббиёт академиясининг спорт мажмуалари ва 19 та мактабда капитал таъмирлаш режалаштирилган. Ҳашар кунлари бу объектларда қурувчилар қаторида турли меҳнат жамоалари, ўқув юртларининг ўқитувчию талаба ёшлари ҳам ободонлаштириш ишларида фаол қатнашиши кутилмоқда.

«Қоратош» маҳалласи аҳли эса ҳашарни «Мурувват-текстиль» қўшма корхонаси ёнида жойлашган янги оилавий поликлиника ҳудудини тозалаш билан ўтказишни режалаштирган. Бу поликлиника, шунингдек Шайхонтоҳур туманидаги 55-оилавий поликлиника ҳам тўла таъмирдан сўнг Наврўз байрами кунлари фойдаланишга топширилади.

Анъаналар асрлар оша яшайверади. Ҳашар сўзининг этимологияси — келиб чиқиши маълум бўлмасада, аммо унинг кишиларни умумий эзгу ниятлар сари бирлаштирувчи кучи бугун ва ҳар доим ҳамжиҳатлик, тинч-тотув яшаш нақадар улуғ неъмат эканлигини намоён этиши, шубҳасиз. Ҳашар бугунги кунда ягона уйимиз — Ўзбекистон осмони остида яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларини бирлаштиради. Унинг аҳамияти ва моҳиятини мамлакатимизда дипломатик миссиясини ўтаётган 50 дан ортиқ давлатлар вакиллари, инвестицион фаолият юритаётган хорижий фуқаролар ҳам ҳис этаётир десак муболаға бўлмайди. Қарангки, улар мана неча йилларки бизнинг умумхалқ байрамларимиз олдидан ўтказилажак ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари ва ҳашарларида фаол иштирок этиб келишмоқда. Хорижий ҳамкорларимиз меҳнати, кучи билан ҳозирда Усмон Носир кўчаси бўйлаб, Республика Байналмилал маданият маркази олдида хиёбонлар барпо этилган. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари Ботаника боғида доимий равишда олиб бориладиган ободонлаштириш ишларининг ташаббускори ҳамдир. Элчиларнинг ўзи эса ҳар йили баҳор айёми олдидан атроф-ҳудудларни тозалаш, янги нав кўчатлар ўтказиш тадбирларида қувонч билан, интиқиб қатнашиб келишади.

Ҳашар... Бу сўзнинг маъноси, воқиф бўлаётганимиздек, фақат ўзбекистонликларга маълум эмас. Ушбу миллий анъанамизнинг қадрлилиги шундаки, у умуминсоний тус олмоқда. Ҳашар ила ҳар бир киши, миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, эътибор ва ҳурматга сазовор бўлаётир. Наврўз байрами муносабати билан ўтказилаётган умумхалқ ҳашари кунлари кам таъминланган ва кўп болали оилалар, ёлғиз карияларга кўрсатиладиган моддий ёрдам бир неча миллион сўмлик маблағ билан ўлчансада, бу борада хорижликлар ҳам ўз ҳиссасини қўшишга интилаётгани қувонарлидир.

***Шубҳасиз, Наврўзга бағишлаб ўтказилаётган бу йилги ҳашар ҳам ўз номига том маънода жавоб беради. Унинг руҳи пойтахтимизнинг, бутун республикамизнинг барча гўшаларини қамраб олади. Бу олижаноб ишларда ҳар биримиз иштирок этиб, ҳашар нимага қодир эканлигини намоён этишимиз даркор. Меҳнат инсонни олижанобликка ундайди, улуғлайди. Шу фикр, шундай эзгу ниятлар билан барчамиз ҳашарда фаол иштирок этайлик, зеро бу улуғвор туйғунинг кейинги асрлар ҳам оша ўтиб, инсонларни тинчлик, ҳамжиҳатлик ва яхшиликка ундаши давом этаверсин.***

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## БИР ҚУЧОҚ ГУЛ

Ҳар байрам аёлига албатта бирор нарса совға қиладиган одам бир сафар бу анъанани бузса ғалати бўлар экан. Очиғи совға олишку, ёдимда бор эди, лекин тузук-қуруқ нарса олишни чўнтак кўтармай қолди.

Эрталаб ўрнимдан турсам, уйда катта тайёргарлик бошланган, аёлим ошхонада куймаланиб юрибди, турли пишириқлар тайёрлаш билан овора. Ювиниб-тараниб индамайгина нонушта қилишга ўтирдим. Хоним бир зумда турли неъматлар билан дастурхонни тўлдириб ташлади.

— Ҳа, отаси, —деди у пиёлага чой қуйиб узатаркан.— Кайфиятингиз йўқроқ кўринади. Бугун байрам эканлигини унутиб қўймадингизми ишқилиб?

Гап эгасини топади, қабилидаги бу замзамадан янада мулзам топдим.

—Эсимда, — дедим чой хўплай туриб. Кейин тез-тез нонушта қилган бўлдимда ўрнимдан турдим.

— Ҳали замон набираларингиз келиб қолишади. Нариги уйда кийим-бошингизни дазмоллаб осиб қўйганман, кийиниб олинг.

Бу меҳрибончиликдан баттар зил кетдим. Аёлим бечора байрам куни ҳатто мени оқлик кийинтиришни ҳам унутмаса-ю, мен йилда бир келадиган байрамда йўқман деб ўтирсам, йўқ бунақаси тўғри келмайди.

Ҳамёнимни кавлаштирсам анча-мунча пул чиқди. Ҳар қалай катта совғага етмасада, бир қучоқ гул олишга етади. Кийиниб кўчага чиқаётганимни кўрган аёлим:

— Йўл бўлсин отаси, — деди. — Вой манамана меҳмонлар келиб қолишади, кўчага чиқмай қўя қолинг. Ташвиш тортманг, қизлар, набираларингизга ўзим совға тайёрлаб қўйганман.

Энди буниси урганнинг устига тепган бўлди.

— Ҳозир,— дедиму тез кийиниб чиқиб кетдим. Олдимиздаги бозорга бориб, бир қучоқ сара гуллар харид қилдим. Уйга шошилаётсам, йўл-йўлакай дўстим Олимжонни учратиб қолдим. У қўлида катта халта, бозорга бораётган экан.

— Э, оғайни, — деди у «тинчликми?» дея қўлидаги халтага ишора қилганимда. — Биласанку бугун хотин-қизлар байрами. Биз хизматда—хотин иззатда. Уйга меҳмонлар келар экан шунга хоним қўлимга халта тутқазиб «бозор-ўчар қилиб келинг» деб чиқариб юборди. Айтмоқчи сен аёлингга нима совға қилдинг? Мен кеча атайлаб заргарлик дўконига кириб, тилла соат харид қилиб, аёлимга тақдим этдим.

Мен индамай гулни кўрсатдим.

— Хотининг дуруст экан шунга кўнса. Майли оғайни йўлингни берсин, сени йўлдан қолдирмай.

У шундай деб бозор томон тез-тез юриб кетди. Дўстим баттар кўнглимни ўкситди. Нохуш кайфиятда уйга кириб бордим. Қўлимдаги гулни кўриб аёлим, ял-ял очилиб кетди. Фурсатдан фойдаланиб гулни унинг қўлига тутдим. Арзимаса ҳам, кўп ўрнида кўришини таъкидладим.

— Вой отаси, — деди аёлим меҳри товланиб, — нега унақа дейсиз? Ахир эрта баҳор фаслида баҳорги гуллардан ҳам яхши совға борми? Совғангиз учун раҳмат.

Бу гапдан кўнглим тоғдек кўтарилиб кетди. «Топган гул келтирур, топмаган бир боғ пиёз», деб машойихлар бежиз айтмаган эканларда.

## ГЎЗАЛЛИККА ДОҒ ТУШМАСИН

Айниқса байрам кезлари шаҳримиз янада гўзаллашиб кетади. Осмонўпар бинолар, чароғон кўчалар, ёрқин чироқлар кимни ҳам мафтун этмайди дейсиз. Шундай кунларда кечки пайт шаҳар айланиб, тунги Тошкентнинг афсонавий кўринишидан баҳраманд бўлгинг келади. Шу фикрда меҳмонларни кузатгач, аёлим билан тунги сайрга отландик.

— Мустақиллик майдонининг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетган дейишади. Юринг ўша ерни бир айланиб келайлик, — деди аёлим.

Йўлни тўғри шу томон олдим. Майдон одатдагидан ҳам гавжум. Табаррук манзил ҳуснини безаб турган— Сенат биноси атрофга улуғворлик бағишлаб турибди. Қордек оппоқ бино тунги чироқларда янада гўзаллашиб кетган. Майдондаги ўз йўналишига эга бўлган ҳар бир бино эзгулик сифатида кўзга ташланади. Эзгулик арки олди янгиланишлари ҳар бир кишини беихтиёр ўйга толдиради. Арк тепасига парвозга шайланган қушнинг қўниб туриши, гўё бизга ҳар баҳор қутбарака олиб келадиган турналар парвозини эслатади.

Аркнинг ёнгинасида Бахтиёр Она ёдгорлиги. Мунис ва меҳрибон она эркатой боласини авайлаб қучоғига олиб ўтирибди. У чиндан ҳам бахтли, чунки эркатойи эркин замонда Мустақиллик қуёши барқ урган даврда туғилди. Оналар фарзандларининг ҳамиша тинчлиги, осойишта фаровон юртда осуда ва соғлом яшашини истайди. Бу оналар учун буюк ва суюк бахт.

Бир сўз билан айтганда, бугун Мустақиллик майдони барчамизни шу муқаддас заминни авайлаб-асрашга, ҳар биримизни юртим деб, элим деб, ёниб яшашга ундаб турибди.

Майдондан ўтиб Сайилгоҳ томон йўл олдик. Бу жой бугун кичкинтойларнинг чинакам дам олиб, кўнгилли ҳордиқ чиқариш манзилига айланган. Нафақат аттракционлар, балки, жажжилар учун мўлжалланган турли-туман кўнгилочар ўйингоҳлар ҳам улар хизматида. Ота-оналар бахтиёр замон болалари учун яратилган бундай қулайликлардан мамнун.

Охирги манзилимиз Амир Темур хиёбони бўлди. Шу ерда ҳордиқ чиқариб, сайримизга якун ясадик.

Шу куни фақат бизни бир нарса ташвишга солди. Шундай гўзалликка доғ тушираётган баъзи кимсаларнинг қилмишидан хафа бўлдик. Байрамона кийинган йигит-қизларнинг кўпчилигининг қўлида писта. Улар бемалол писта чақиб, пўчоғини хоҳлаган жойга тупуриб кетишяпти.

— Отаси, —деди аёлим, уларнинг қилмишларидан ранжиб, — ҳеч бўлмаса, шунақа файзли жойларда, одамлар дам оладиган манзилгоҳларда писта сотишни таъқиқлаб қўйишса бўлмасмикан?

Бу гапдан ўйланиб қолдим.

## ОҚИБАТ

Катта йўлдан ўқдек учиб бораётган «Нексия» яшил чироқда йўлни кесиб ўтаётган отахонни уриб юборишига сал қолди. Бекатда турганлар қоидабузар ҳайдовчининг орқасидан ҳай-ҳайлаб қолишди. Шунда кимдир ҳеч нарсага эътибор бермай, йўлни пайпаслаб ўтаётган отахон томон югурди. Унинг қўлидан тутиб, йўл чеккасига олиб ўтди. Кейин билсак отанинг кўзи ожиз экан.

Буни сезган йўл чеккасида турган машиналардан бирининг ҳайдовчиси отахон томон келиб ундан сўради.

— Қаерга борасиз, ота?

— 51-автобусга чиқаман. Бешёғочга, қизимникига боришим керак.

— Юринг, мен обориб қўяман.

— Йўлкира ҳақига қанча пул бераман? —сўради ота чўнтагини кавлаб.

— Пулингиз керак эмас ота, дуо қилсангиз бўлгани.

Отахон хижолат тортиб:

— Сени овора қилмай, автобусда кетақолсам бўларди болам.

— Автобусда туртиниб-суртиниб юрасизми? Тайёр машина бор, бир зумда элтиб қўяман. Савоб ҳам керакда, одамга.

Йигит қўярда-қўймай отахонни машинасига ўтқазиб олиб кетди.

Одамлар шошма-шошарлик билан йўл қоидасини бузган ҳайдовчидан ранжишди. Одамохун, дуогўй иккинчи ҳайдовчини «Барака топсин, тупроқ олса олтин бўлсин», дея алқашди.

ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ДЎСТ, ДЎСТЛИК ҚОИДАЛАРИ, ДЎСТУ ДУШМАННИ ФАРҚЛАЙ БИЛИШ

Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.

**«АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ»**

**Доимо дўстлар билан бўл ҳамнафас,**
**Кўрма душманнинг юзини бир нафас!**

**Фаридиддин АТТОР**

**Бўлгин давомат хўблар билан ёр,**
**Қоч аҳли шаррдин, албатта, зинҳор.**

**Толиб ТОЛИБИЙ**

«Нодон дўстдан зийрак душман яхши» деб бекорга айтишмаган. Агар сен биров билан дўст тутинмоқчи бўлсанг, ўша кишининг вужудида учта хислат бўлмаса, дўстлигингга арзимайди. Улар мана булардир.

**Ҳар дўстки, дилида уч хислат бўлмас,**
**Кеч ундан, дўстликка асло арзимас.**
**Бири вафодорлик, бири сир сақлаш,**
**Бири — молин сендан аямаса бас!**

**Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ**

**Чун бўлур ҳар лаҳза бегона бирла ошно,**
**Ошнолардин кўнгул бегона бўлмай найласун.**

**Ҳусайн БОЙҚАРО**

Ҳар нарсанинг янгиси, аммо дўстнинг эскиси яхши.

**«ОТАЛАР СЎЗИ»**

**ҲИКМАТ.** Бир киши бир улуғ одамдан: «Бир киши узоқ вақтдан буён менга муҳаббат изҳор қилиб, дўстлик ва ихлос даъвосини урмоқда, унинг рост ёки ёлғон эканини қандай билмоқ керак?» деб сўради. Улуғ киши унга: «Юрагингни тубига боқ, агар у ерда дўстлик учун жой бўлса, дўстлаш!» деди. Байт:

**Биров сенга меҳр йўлини тутса,**
**Кўнглинг ойнасига боқиб, қулоқ сол,**
**Агар юрагингда нафрат кўзғолса,**
**Аканг бўлса ҳамки ундан қочиб қол!**

**Мажидиддин ХАВОФИЙ**

**Кимники айлай дер эрсанг маҳраминг,**
**Кўп синамай айламагил ҳамдаминг.**

**НАВОИЙ**

**Душман агар мўр бўлса, кўрма ҳақир,**
**Ҳар нечаки бўлса олингда асир.**

**Саид ҚОСИМИЙ**

Дўстлар дилини ранжитиш душманни муродига етказишдир.

**КОШИФИЙ**

Душманинг ожиз бўлганда кўнгилчанлик қилма, у қудратга кирса, сенга шафқат қилмайди.

**КОШИФИЙ**

**Бир дона душмандан ҳазар қил ҳар дам,**
**Мингта бўлса агар дўстларинг оздир.**
**Душман битта бўлса, кўпу-нособздир!**

**Муиниддин ЖУВАЙНИЙ**

**Мувофиқ шева золим дўстлардин,**
**Муҳолифтабъ душманлар кўп ортуқ.**

**НАВОИЙ**

Ақл соҳиби бўлган дўст араз туфайли ўз дўстини ташлаб юбормайди, имкони борича аввалги дўстликни қайта тиклашга ҳаракат қилади. Кимки айбдор бўлса, айбдор томон аввал узр сўраса ва айбига иқрор бўлса, аввалги дўстлик яна қайта тикланади. Аммо ҳар икки томон бир-бирига хўмрайиб, «сен узр сўра» қабилида юрса, иттифоқлик нифоқ билан, муҳаббат эса ҳақиқий адоват билан алмашиши муқаррардир.

**Абулбаракот ҚОДИРИЙ**

**Дўстларим бўлсун десанг аҳли жаҳон,**
**Хулқи хушлуқни қил одат, эй Азиз.**

**Аваз ЎТАР**

Бирор кимса билан дўстлик йўлини тутиш ва суҳбатдош бўлишда саккизта ҳақ мавжуд бўлиб, уларга тўла амал қилиш муҳимдир. Биринчиси мол ҳақи бўлиб, унда учта даража мавжуд. Биринчи даража шундайки, сен ўз аёл ва фарзандларингни қандай муҳофаза қилиб, бекаму-кўст яшашларини бўйнингга олган бўлсанг, дўстларга нисбатан ҳам шундай йўл тутасан. Иккинчи ва учинчи даража шундайки, сен дўстларингни ҳам ўзингдек тасаввур қиласан, масалан, сен ўз мол-мулкингга қандай эгалик қилсанг, уларни сарфлашда қанчалик эркин бўлсанг, дўстларингни ҳам худди шундай йўл тутишларига имкон берасан. Учинчи ва олий даража шундайки, дўстларингнинг ишини ва уларнинг манфаатини ўз манфаатингдан юқори қўясан.

Иккинчи нафс ҳақидир. Бу шундан иборатки, дўстлар бошига иш тушиб, сендан нарса ёки ёрдам сўраб келмасидан аввал сен уларнинг ҳожатларини раво қилишга киришасан.

Учинчиси тил ҳақидир. Тил дейишдан мурод нутқдир, яъни дўстга қаттиқ гапирилмайди, унинг айблари юзга солинмайди, камчилиги одамлардан бекитилади, яхшилиги мақталади, ёлғон муомала қилинмайди, унинг шодлиги ва сурурига сабаб бўладиган ҳақ гаплар гапирилади.

Тўртинчи ҳақ аъзолар ҳақидир, яъни унинг жисм аъзоларидан бирор ёмонлик ёки нуқсон ҳосил бўлса, уни кечиради. Бирор ишда узрни пеш қилса уни кечиради.

Бешинчиси вафо ҳақидир. Вафонинг маъноси эса дўстлик бобидаги сабот, унга ўлгунча риоя қилишдир. Ўлгандан кейин эса бу ҳақни унинг болаларига ёки дўстларига нисбатан давом эттиришдир. Шунинг учун донолар: «Тириклигида кўрсатилган кўп вафодан ўлгандан кейин кўрсатилган озгина вафо афзалдир!» дейдилар. Чунки ўлгандан кейин ҳам давом этган вафо тириклик пайтидаги вафога қараганда соф ва тоза, риёдан холи бўлади,

Олтинчиси ихлос ҳақидир. Бу шундан иборатки, дўст узоқда ёки олдида бўлган пайтларда ҳам бир хилда туради, ўзгармайди, икки ўртада бўлган муҳаббат ва садоқатга риоя қилишда заррача нуқсонга йўл қўймайди.

Еттинчиси йўқлаш ҳақидир. Бу шундан иборатки, ўлик ёки тириклигида унинг ўзини ҳам, авлодини ҳам яхши сўзлар билан тилга олади. Уларга ҳамиша омад тилайди, ўзига неки яхши нарса тиласа, уларга ҳам қўшиб тилайди.

Саккизинчиси ўзни тия билиш ҳақидир. Бу шундан иборатки, такаллуфни умуман тарк этади, ноўрин ҳар қандай такаллуфларга йўл қўймайди. Чунки такаллуф носазо иш бўлиб, унинг ўзини ҳам, дўстларни ҳам қийнайди ва ноқулай аҳволга солиб қўяди.

**Маҳмуд ибн МУҲАММАД**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ,**
**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ**
**тайёрлашган**

*Футбол*

## ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

**ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ ТУРНИРИДА ҚАТНАШАЁТГАН «ПАХТАКОР» ЖАМОАСИ ЎЗ МАЙДОНИДА СУРИЯНИНГ «АЛ-ИТТИҲОД» КЛУБИ БИЛАН УЮШТИРИЛГАН БЕЛЛАШУВНИ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ.**

Пахтакорчиларнинг тўлиқ устунлиги остида шиддатли ҳужумларга бой, қизиқарли кечган учрашувда рақиблар дарвозаси икки марта ишғол этилди. Мухлисларга қувончли лаҳзаларни ҳадя этган голларни дарвозага 16,85-дақиқаларда Ислом Иномов ва Александр Клецковлар йўллашди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«ЯНГИОБОД ИХТИСОСЛАШГАН БОЗОРИ» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИГА БИНОАН 2006 ЙИЛ 11 АПРЕЛЬ КУНИ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ МАЖЛИСИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ҲАМЗА ТУМАНИ, ТОЛАРИҚ КЎЧАСИ, 1-УЙДА ЖОЙЛАШГАН ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ИДОРАСИ БИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ.**

Мажлиснинг бошланиш вақти 12.00. Акциядорлар соат 11.00 да рўйхатдан ўтадилар.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Янгиобод ихтисослашган бозори» ОАЖнинг 2005 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини кўриб чиқиш.
2. Жамиятнинг 2005 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2005 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият Кузатув кенгашининг 2005 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқиш.
5. Жамиятнинг 2005 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2005 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2006 йилги иш режасини (бизнес-режа) тасдиқлаш.
8. Жамият бошқаруви раисининг меҳнат шартномаси муддатини тўхтатиш ёки узайтириш масаласи.
9. Жамиятнинг 2006 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
10. Жамиятнинг 2006 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ҳамда аудиторга тўланадиган хизмат ҳақини белгилаш.
11. Жамият Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.
12. Жамият Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.

Минг сўм

| Актив | Пассив |
|---|---|
| Асосий воситалар 333450 | Устав капитали 226066 |
| Қимматли қоғозлар 581 | Резерв капитали 17983 |
| Ишлаб чиқариш заҳиралари 3942 | Тақсимланмаган фойда 19052,9 |
| Товарлар 1828 | Мақсадли тушумлар 28445 |
| Пул маблағи 1121 | Кредиторлар 51970,9 |
| Дебиторлар 2595,8 | Жами: 343517,8 |
| | |
| Жами: 343517,8 | соф фойда 15034 |

Мажлисда акциядорлар реестрининг 2006 йил 11 март ҳолатига кўра унга кирган акциядорлар ёки уларнинг вакиллари (нотариусда тасдиқланган ваколатнома бўйича) қатнашишлари мумкин.

**Кузатув кенгаши**




**КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.**

**Юсуфжон қизиқ Шакаржонов**

# ЖИБЛАЖИБОН

Интермедия

Катта ҳовли. Ўртада стол-стуллар кўринади. Шуҳрат китоб ўқиш билан машғул.

**МАРҲАМАТ** — (совчиликдан келиб) Топган қизингни қара-я!

**ШУҲРАТ** — Ойи, ёқмадими?

**МАРҲАМАТ** — Кимгаям ёқарди? Сув бўйида ўсган бақа теракка ўхшайди-я.

**ШУҲРАТ** — Ойи, жа бўлмаса сув бўйида ўсган сарв денг.

**МАРҲАМАТ** — Оҳ... Қани энди, сарвқомат бўлса, жон-жон деб олиб берардим-а. Келин деган ёш, нозик-ниҳол бўлса-да... эгиб олиш осон бўлади.

**ШУҲРАТ** — Менга нозик қиз бўлмайди. Ўзимга мосини танладим.

**МАРҲАМАТ** — Қўй-ей! Дидинг ўтмаслашиб қолибди. Сенга Сарвиноздан бошқаси бўлмайди. У ҳали бир ниҳол. Қай томонга эгсанг эгилаверади. Бақа теракни эгиб кўр-чи...

**ШУҲРАТ** — Ойи, Сарвиноз бўлмайди.

**МАРҲАМАТ** — Нега бўлмас экан?

**ШУҲРАТ** — Тантиқ, кеккайган қиз...

**МАРҲАМАТ** — Тантиқ эмас, эрка қиз. Эркалиги уйида қолиб кетади, болам.

**ШУҲРАТ** — Ўртоқларим ўша қизни жиблажибон дейишади.

**МАРҲАМАТ** — Унга етолмай, доғида юрганлар шундай дейди-да. Жиблажибон кичкинагина, чиройли қуш.

**ШУҲРАТ** — Жиблажибон - читтак дегани. Читтакнинг бир жойда қўниб турганини ҳеч кўрганмисиз?

**МАРҲАМАТ** — Сен топган Ёрқиной дангаса, боқи беғам эмиш. Читтакнинг ғайрати ичига сиғмайди. Шунинг учун сакраб-сакраб юради-да...

**ШУҲРАТ** — Читтакда сабр-тоқат йўқ. Беқарор қуш.

**МАРҲАМАТ** — (қатъий) Унақа гапларни қўй. Дод десангам, войдод десангам Сарвинозни оласан.

**ШУҲРАТ** — Қўйинг, ойи.

**МАРҲАМАТ** — Хўп де, хўп дейсан...

**ШУҲРАТ** — Хўп демасамчи?

**МАРҲАМАТ** — Қани, хўп демай кўр-чи. Мен қизнинг ота-онасини ишонтириб қўйганман. Онам рози бўлсин десанг, Сарвинозга уйланасан.

**ШУҲРАТ** — Мен норози бўлсам майлими?

**МАРҲАМАТ** — Сен боламсан. Она рози-Худо рози.

**ШУҲРАТ** — (ноилож) Уҳ... Не илож! Ўша қиз билан тотув яшаб кетишимга кўзингиз етадими?

**МАРҲАМАТ** — Етади...

**ШУҲРАТ** — Майли...Лекин келинингиз гапимга кирмаса, уни қайириб бериш сиздан. Шуни билиб қўйинг.

**МАРҲАМАТ** — (керилиб) У ёғини ўзимга қўйиб бер.

**Тўй ўтганига тўрт-беш кун бўлган. Сарвиноз Шуҳратни ҳовлига кузатиб чиқади.**

**ШУҲРАТ** — (ҳовлининг уёқ-буёғига қараб) Вой-бов! Ҳовлининг аҳволини... Ит боғласангиз турмайди.

**САРВИНОЗ** — Бу ҳовли эмас...

**ШУҲРАТ** — Ҳовли бўлмай нима?

**САРВИНОЗ** — Стадион - футбол майдони.

**ШУҲРАТ** — Ҳовлими, футбол майдоними, барибир супуриш керак-ку... Супуринг!

**САРВИНОЗ** — Вой нима деяпсиз? Умримда қўлимга супурга ушлаган эмасман.

**ШУҲРАТ** — (жаҳли чиқиб) Нима, мен супурайми ёки онам супурсинларми?

**САРВИНОЗ** — Она-бола келишиб олинглар... Бу менинг проблемам эмас...

**МАРҲАМАТ** — (пайдо бўлиб) Ҳовли супуриш сизнинг ишингиз ўргилай, келинпошша. Шунча кундан бери тишимни-тишимга қўйиб келдим, энди гапираман. Ишёқмас, инжиқ экансиз, бу одатларингизни ташланг, ўргилай.

**САРВИНОЗ** — Сизам насиҳатгўйликни ташланг, айланай ойижон.

**МАРҲАМАТ** — Ие! Танлаб-танлаб тозисига учрапманку.

**САРВИНОЗ** — Қозисига учрамаганингизга шукр қилаверинг, ойижон.

**ШУҲРАТ** — Ойи, мен Сизга нима деган эдим?!

**МАРҲАМАТ** — Ақлингдан айланай, болам (Сарвинозга) Ҳа... Жиблажибон...

**САРВИНОЗ** — Хўп бўпти-ажаб бўпти. Мен эркин қушман.

**ШУҲРАТ** — (Марҳаматга) Энди буни ўзингиз эгиб олинг!

**Туроб АКБАРХЎЖАЕВ**



Сўзсиз сурат

**Абдурасул Ҳакимов чизган расм .**

## *Бир чимдим кулгу*

### КЎП ҲАҚ ОЛАДИ

Кўчада кетаётган икки қария бекатда автобус кутиб турган бир йигитчани бир-бирига кўрсатишиб, гаплаша кетдилар:

— У маҳалламиз чеккасида турадиган Туроб сатангнинг ўғли.

— Ўғли бўлса нима бўлибди?

— Олдинги ҳафта телевизорга чиқиб, «Юрагимда шу оқшом» деган гапни ўн марта такрорлаб, айтаётган қўшиғини роса резинкадай чўзди. Эртаси ҳам «Бир гапни бунча қайтараверасан?» деб отаси роса уришибди.

— Отаси билмаган-да, — деб тушунтирибди шериги, — ашулачи қўшиқни қанча чўзса, шунча кўп ҳақ олишини!

### ГАНДИРАКЛАГАН МАШИНА

Катта йўл чеккасидаги оппоқ қорга илон изи тушириб, бир «Москвич» гандираклаган кишидек келарди, йўл назоратчиси уни тўхтатди:

— Нега машинангизнинг ғилдираклари қинғир-қийшиқ айланиб, гандираклаб келаяпти?

— Ўртоқ назоратчи, — деди ҳайдовчи тушунтирмоқчи бўлиб, — машинамга совуқ таъсир қилиб, юрмай қўйди. Нима қилишни билмай, таваккалига бензобакка бир шишаароқ қуйгандим, юриб кетди.

— Унда машинангизни ҳушёрхонага жўнатамиз!

— Илтимос, қўйинг! Уйга етиб олай, бензобакни муздек сув билан ювсам, машинам ҳушига келади, қўяди!

**Хандапаз Олим ҚЎЧҚОРОВ**

## *Мунажжим башорати*

**11 МАРТ, ШАНБА**

**САЙЁРАЛАРНИНГ САМОДАГИ ЖОЙЛАШУВИ БУГУН ҲАММА НАРСАДА, ҲАР ҚАНДАЙ ИШДА ЭҲТИЁТКОРЛИККА ДАЪВАТ ЭТАДИ. БИРОН-БИР САЛБИЙ ҲОЛАТЛАРНИ КЕЙИН ТЎҒРИЛАШ ҚИЙИН БЎЛАДИ.**

Шошилинч, яхши ўйланмаган қарорлардан ўзингизни эҳтиёт қилинг. Моддий асосга эга бўлмаган лойиҳалар кўп ташвиш туғдириши мумкин. Турли битимларни бекор қилиш ёки, ҳеч бўлмаганда, кейинроққа суриш керак. Кутилмаган мураккабликлар кўзлаган фойдангизни йўққа чиқаради.

Кўк ва кумушранг уйғунлигидаги кийимларга бугун устуворлик берганингиз маъқул. Ҳар қандай сариқ ва зарғалдоқранг либосларингизни бошқа кунларга асраб қўйинг. Доира шаклидаги зеб-зийнатларингизни тақинг.

**12 МАРТ, ЯКШАНБА**

**БИР ҚАТОР МУНАЖЖИМЛАРНИНГ ЯКДИЛ ФИКРЛАРИГА КЎРА, БУГУНГИ КУН ВОҚЕАЛАРИ ИШЛАРИНГИЗ ЎНГИДАН КЕЛИШИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ ВА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ШУБҲАЛАРГА ЎРИН ЙЎҚ.**

Илгарилари орзу қилиб юрган ва фақат хом хаёл деб юрган мақсадларингиз аниқ амалга оша бошлайди. Шунинг учун бугун илк қадамларни дадил қўяверинг.

Ҳаёт тарзингиз, имижингизни, ишингизни, касбингизни ўзгартириш хусусида ўйлаб кўрсангиз зиён қилмайди. Мабодо, истак ва хоҳишларингиз тўғрилигига озгина туртки, ишонч бўлса – ўзгаришлар қилишга дадил киришаверишингиз мумкин.

Кийимлардан қизил, настаринранг ва оқ ранглиларини танланг. Ранги ўчган, хира ранглар ва айниқса кулранг, яшил ва қора ранглардан узоқроқ бўлинг.

**13 МАРТ, ДУШАНБА**

**АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР – САЙЁРАЛАР СИЗНИ ҲАР ҚАНДАЙ ИШНИ СОАТ 17 ГАЧА НИҲОЯСИГА ЕТКАЗИШГА ЧОРЛАШАДИ.**

Эҳтиросларингизга эрк берманг, номуносиб фикрлар ва хаёлларга берилманг – зеро, бугунги хатти-ҳаракатларингиз оқибати аянчли бўлиши мумкин.

Мабодо, бугун чарм буюм ёки маъдандан ишланган ашё топиб олсангиз – булар омадингиз юришиши ва кутилмаган мададга эга бўлишингизни билдиради. Уй ҳайвонлари сизга эркаланиши ёки елкангизга қуш қўниши ҳам — яхшиликка.

Кўрган тушларингиз, айниқса уларнинг ёрқин ва эсда қоладиганлари башоратли бўлади. Тушларингизни эслаб ёки ёзиб қўйинг – улар келгусида сизга жуда асқотиши мумкин.

Яшил ва кўк аралаш кийимлар бугун омадингиз келишига ёрдам беради. Ола-була, ёрқин ранглар, шу жумладан, қизил, зарғалдоқранг ва сиёҳранг либосларингизни бир чеккага суриб қўя туринг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР
ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## *Самбо*

### КУЧЛИЛАРГА ОМАД ЁР

**ШАҲРИМИЗДАГИ «ДИНАМО» СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИДА ИККИ КУН ДАВОМИДА 1988-1989 ЙИЛЛАРДА ТУҒИЛГАН ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА САМБО БЎЙИЧА ШАҲАР БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Биринчилик баҳсларининг янада қизиқарли ва муросасиз кечганлигига сабаб унда иштирок этган 100 га яқин спортчилар Андижонда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун кураш олиб боришди. МҲСК, Тошкент тиббиёт академияси, «Ёшлик», ТТЗ ва «Динамо» жамиятларининг энг кучли самбочилари 48, 52, 56, 60, 65, 70, 75, 81, 87 ва 87 килограммдан юқори вазнларда ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Ҳал қилувчи баҳслардан сўнг шаҳар чемпионларининг номлари маълум бўлди. Уларнинг аксарият қисмини Ш.Рўзиев, К.Йўлдошев, Д.Усмонов, Ф.Нуфуллаев, У.Кенжаев, Ш.Арслонов, Е.Рябинин каби «Динамо» жамиятининг вакиллари ташкил этди. МҲСКнинг икки вакили С.Азимов ва Ш.Турсуновлар ҳам ғолиблар сафини бошқаришди.

**(Ўз мухбиримиз)**



**СУРАТДА: беллашувлар мана шундай кескин ва муросасиз ўтди.**

**Алексей Попов олган сурат.**

**«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси**
**Тошкент Давлат цирки**
**2006 йил 17 мартдан 2 апрелгача**
**Илк бор Тошкент цирки манежида**

**«КРЕМЛЬ ЮЛДУЗЛАРИ»**

**дастури**

Дастурдан ўргатилган типратиканлар, жайралар иштирокидаги томошалар, Россия халқ артисти Виктор Шемшура раҳбарлиги остида узун таёққа ўрнашган ҳолда ҳамда айланувчи айиқлар иштироки ўрин олган.

Томошалар: иш кунлари — соат 18.00 да; шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 да бошланади.

Томошалар жадвалида ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.

Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.

Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

**МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:**
**144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.**

**ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!**

**Илк бор «Туркистон» саройида 2006 йил 21 мартдан 2006 йил 2 апрелгача «ЗОЛУШКА» номли жаҳондаги биринчи итлар театри спектакллари ПРЕМЬЕРАСИ**

***КЎРИШГА ШОШИЛИНГ***



*Спектакллар: 2006 йил 21 март, 1, 2 апрелда соат 15.00, 18.00 да; 2006 йил 22, 23, 27, 28, 29, 30, 31 март соат 18.00 да бошланади.*

*Чипталар «Туркистон» саройи кассалари ва цирк кассаларида сотилмоқда.*

*Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.*

*Кассалар эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.*

***Маълумотлар учун телефонлар: 333-88-99, 131-00-88, 144-32-23.***

## ТВ

### ДУШАНБА, 13

**«Ўзбекистон»**

**Профилактика соат 14.55 гача.**
15.00 «Таҳлилнома».
15.50 «Сизнинг адвокатингиз».
15.55 «Олам ва одам дастури: «Завқ-шавқ баҳоси».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.30 «Олтин мерос».
17.40 «Банк ва мижоз».
17.50 «Умр дафтари». Ш. Холмирзаев. 1-қисм.
18.10 «Оқшом наволари».
18.20 «Шаҳзода ва канизак». Видеофильм. 1-қисм.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Эркин мавзу».
22.00 «Ярқироқ тош сири». Телесериал премьераси.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Пўлат ғилдираклар».

**«Ёшлар»**

14.05 «Шубҳа». Телесериал.
14.50 Кино SMS.
14.55 Оила – муқаддас маскан.
15.00 Ватанпарвар.
16.00 Давр.
16.10 Интерфутбол.
17.50 Қатрада қуёш.
18.10 Кино SMS.
18.15 Ёшлар овози.
18.30 Чемпион сирлари (рус тилида)
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 SMS тест + анонслар.
19.40 Қизил ҳудуд.
19.55 Ракурс.
20.10 Мусиқий лаҳза.
20.15 Кино SMS.
20.20 «Осмондаги аёллар». 1-қисм.
20.35 SMS тест + анонслар.
20.40 UzEX хабарлари.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Шубҳа». Телесериал.
21.50 Мусиқий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Мусиқий лаҳза.
22.40 UzEX хабарлари (рус тилида)
22.50 «Эсмеральда». Телесериал.
23.20 Дастурнинг ёпилиши.

**«Тошкент»**

18.30 «Пойтахт» (рус).
18.50 Экран детям.
19.00 «Саломат бўлинг».
19.20 «Табриклаймиз- қутлаймиз».
19.50, 20.50 «Телекурьер маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.20 , 22.20 Телегазета «Экспресс».
20.30 «Камила». Телесериал.
21.00 «Махсус мухбир».
21.20 М. Исмоил. «Балоғат бекати». Видеофильм. 1-қисм.
22.30 Кинооко: «Полосатый рейс».
23.55-24.00 «Спокойной ночи, мой город».

**«Спорт»**

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.30 «Приключения Тэппейя». Мультсериал.
9.00 «Талкин». Информационно-аналитическая программа.
9.30 «Талисман». Сериал.
10.10 «Здоровое поколение».
10.25 Международный спорт: Баскетбол. NBA.
11.25-12.15 Футбол. Чемпионат Узбекистана «Насаф» - «Бахор».
17.55 Программа передач.
18.00 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (На русском языке)
18.50 «Народные игры».
19.10 «Таинственные города Азии». Док. фильм.
20.00 «Вести».
20.30 «Королевы спорта».
20.45 «Футбол плюс».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Превратности любви». Сериал.
22.50 Кураш. Гран-при Международный турнир.
23.50 «Проф-РИНГ».
00.40 «Спокойной ночи!»

**30-й канал**

16.55 гача профилактика ишлари
16.55 Открытие программы
17.00 Мультфильм
17.30 «Хужжатли фильм»
17.50 «Клип»
18.00 «Кассандра», сериал
18.45 «Мусиқий лахзалар»
19.00 «Ошикона»
19.45 «Теле-Хамкор»
20.00 «Мусиқий табассум»
21.00 «Хайрли тун, болажонлар!»
21.15 НТТ «Мусиқий лахзалар»
21.40 «Теле-хамкор»
21.50 «Мусиқий табассум»
22.20 Худ. фильм «Я робот»

**ОРТ**

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 23.40, 03.00, 05.00 Новости
9.05 «Убойная сила». Сериал
10.20 Детективы
10.50 Сериал «Евлампия Романова. Следствие ведет дилетант»
12.20 «Ведьмы наших дней». Док. фильм
13.00 Фильм «Двойной форсаж»
15.10 «Лолита. Без комплексов»
16.00 Сериал «Талисман»
17.00 «Федеральный судья»
18.20 «Большие девочки»
18.50 «Две судьбы». Предисловие
21.00 Время
21.30 Премьера. «Две судьбы». Сериал
22.30 «Частный сыск. Уличить в неверности». Док. фильм
24.000 «Семейные проклятья»
00.50 «Гении и злодеи». «Отто Бисмарк. Железный канцлер»
01.20 Мэтт Дэймон в фильме «Неукротимые сердца»
03.05 Фильм «Черное и белое»
04.40, 05.05 Суперчеловек. «Жить без боли»

**Россия**

5.00 «Доброе утро, Россия!»
8.45 Сериал «Счастье по рецепту».
9.45 «Кабачок страны Советов».
10.45, 13.45, 00.15, 04.45 Вести. Дежурная часть.
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
11.30, 14.20, 16.40, 20.30 Местное время. Вести-Москва.
11.50 Сериал «Вызов».
12.50 «Частная жизнь». Ток-шо
14.40 Комедия «Сумасбродка».
17.15 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
17.50 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
18.45 Сериал «Волчица».
19.45 Вести. Подробности.
20.50 «Спокойной ночи, малыши!».
21.00 Сериал «Опера-2. Хроники убойного отдела».
21.55 Сериал «Вызов».
23.00 «Вести +».
23.20 «Мой серебряный шар. Татьяна Доронина».
00.30 «Честный детектив».
01.00 «Синемания».
01.30 «Дорожный патруль».
01.45 Вупи Голдберг в фильме «Сердце Клары»
03.30 Канал «Евроньюс»

**ТВ-3**

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00 М/ф. «Привет мартышке».
9.15 М/ф. «Африканская сказка».
9.30 Мультсериал «Сабрина - маленькая ведьма».
10.00 Мультсериал «Черепашки-ниндзя».
10.30 М/ф. «Золотые колосья».
10.45 М/ф. «Лиса и волк».
11.00 Х/ф. «Фрнцуз».
12.30 Х/ф. «Помни меня».
15.00 «Осторожно, модерн!»
15.30 М/ф. «Золотые колосья».
15.45 М/ф. «Лиса и волк».
16.00 Х/ф. «Белый Олеандр».
18.10 Х/ф. «Д'Артаньян и три мушкетера».
20.00, 05.00 Сериал «Третья смена».
21.00 Х/ф. «Танго над пропастью».
23.50 Х/ф. «Потомок».
01.30 Х/ф. «По закону кулака».
03.00 Х/ф. «Двадцать свиданий».

**НТВ**

6.00 Сегодня утром
9.00 «Кулинарный поединок»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Сегодня»
10.20 «Чистосердечное признание».
10.55 «Квартирный вопрос»
11.55 «Следствие вели...»
13.35 Сериал «Морские дьяволы»
15.30 «Чрезвычайное происшествие»
16.20 Сериал «Улицы разбитых фонарей»
18.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие»
19.40 Сериал «Улицы разбитых фонарей-7»
20.50 Сериал «У. Е.»
22.40 Комедия «Суперстар»
00.20 «Школа злословия».
01.15 «Все сразу!»
01.45 Шон Эстин в фильме «Балбесы»
03.35 Боевике «Готовый убивать»
05.10 Сериал «Морская полиция. Спецотдел»

### СЕШАНБА, 14

**«Ўзбекистон»**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Пўлат ғилдираклар».
«Болалар сайёраси»:
9.45 «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.35 «Остонаси тиллодан».
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Телесериал.
11.55 «Олтин мерос».
12.00 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
12.20 «Умр дафтари». Ш. Холмирзаев. 1-қисм.
12.45 «Ярқироқ тош сири». Телесериал.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.20 «Шахсий фикр».
14.55 «Жавоҳир».
15.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
15.15 «Жаҳон мусиқаси хазинасидан». Верди. «Аида» операси. 1-қисм.
«Болалар сайёраси»:
16.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Олтин мерос».
17.25 «Тарих кўзгуси».
17.50 «Эркин иқтисодиёт».
18.10 «Умр дафтари». Ш. Холмирзаев. 2-қисм.
18.35 «Оқшом наволари».
18.45 «Шаҳзода ва канизак». Видеофильм. 2-қисм.
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Ернинг муносиб эгасини топиш – долзарб масала».
22.00 «Ярқироқ тош сири». Телесериал.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Дунёдаги энг катта меҳмонхона».
00.10-00.15 Тунги наволар.

**«Ёшлар»**

Профилактика соат 13.55 гача.
14.00 «ЯНГИ КУН». Ахборот дам олиш дастури.
15.00 Кино SMS.
15.05 «Даллас». Телесериал.
15.50 «Ёшлар» фототанлови.
16.00 Давр.
16.10 Талабалар шаҳарчаси.
16.30 Ракурс.
16.45 Болалар экрани: Ўрмон мактаби.
17.00 Эврика.
17.10 Болалар табассуми.
17.20 Мусиқий лаҳзалар.
17.35 Кино SMS.
17.40 «Дўстимнинг тўйи». Бадиий фильм. 1-қисм.
18.10 Ёшлар овози.
18.25 ТВ-дорихона.
18.35 Cinema Bollivud.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Автопатруль.
20.00 «JOKER» телелотореяси.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 «Осмондаги аёллар». 2-қисм.
20.35 Таълим ва тараққиёт.
21.00 «Шубҳа». Телесериал.
21.45 Кино SMS.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Мусиқий лаҳза.
22.40 «Эсмеральда». Телесериал.
23.10 Дастурнинг ёпилиши.

**«Тошкент»**

18.30 «Пойтахт» (рус).
18.50 Экран детям.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.20 «Табриклаймиз- қутлаймиз».
19.50 , 20.50 «Телекурьер маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 22.30 Телегазета «Экспресс».
20.35 «Камила». Телесериал.
21.00 «Наврузнинг қайтиши».
21.30 М. Исмоил. «Балоғат бекати». Видеофильм. 2-кисм.
22.40 Кинооко: «Служебный роман». 1-серия.
00.05-00.10 «Спокойной ночи, мой город!»

**«Спорт»**

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (На русском языке)
8.20 «Приключения Тэппейя». Мультсериал.
8.40 Пауэрлифтинг. Чемпионат Узбекистана.
9.00 «Хабарлар».
9.20 «Талисман». Сериал.
10.00 Международный спорт: «Теннис».
11.00 «Мир кикбоксинга».
11.30-11.45 Концерт хорового коллектива.
17.55 Программа передач.
18.00 «Детский спорт».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (На русском языке)
18.50 «Вокруг света».
19.15 «Сам себе режиссёр».
20.00 «Вести».
20.30 «Футбольное обозрение».
20.50 «Линия судьбы».
21.10 «Мир спорта».
21.30 «Хабарлар».
21.50 Кураш. Гран-при Международный турнир.
22.50 «Эмма». Худ. фильм.
00.40 Международный спорт: Футбол. Лига чемпионов. «Интер» - «Аякс». Прямая трансляция.
02.40 «Спокойной ночи!»

**30-й канал**

12.00 Открытие программы
12.05 «Теле-хамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Солдаты», сериал
14.00 Худ. фильм «Инспектор Гаджет»
15.30 «Ошикона»
16.15 «Аёллар орзуси»
16.45 «Теле-хамкор»
17.00 «Мультфильм»
17.20 «Шарқ Тв» тақдим этади «Мозийдан садо»
17.35 Худудий телестанциялар тақдим этади «Ўлкамиз аёллари»
17.50 «Экран хандаси»
17.55 «Клип-премьера»
18.00 «Кассандра», сериал
18.45 «Киноконцерт»
19.00 «Ошикона»
19.45 «Теле-хамкор»
20.00 «Мусиқий табассум»
21.00 «Хайрли оқшом, болажонлар!»
21.15 «Севги наволари»
21.20 «Биз билган билмаган дунё»
21.40 «Мусиқий табассум», музыкальная передача
22.10 Худ. фильм «Открытые просторы»

**ОРТ**

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 23.40, 03.00, 05.00 Новости
9.05 «Убойная сила». Сериал
10.20 Детективы
10.50 Сериал «Евлампия Романова. Следствие ведет дилетант»
12.20 «Черный ворон». Сериал
13.30 Дисней-клуб: «По следам Микки Мауса»
13.50 «Две судьбы». Сериал
15.10 «Лолита. Без комплексов»
16.00 Сериал «Талисман»
17.00 «Федеральный судья»
18.20 Премьера. «Большие девочки»
18.50 Премьера. «Любовь как любовь». Сериал
19.50 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
21.00 Время
21.30 Премьера. «Две судьбы». Сериал
22.30 «К-219. Последний поход». Док. фильм
24.00 «2030». Программа Александра Гордона
01.10 Расселл Кроу в боевике «Нет пути назад»
02.50, 03.05 Фильм «Бутылочная ракета».
03.40, 05.05 Фильм «Сердце на продажу».

**Россия**

5.00 «Доброе утро, Россия!»
8.45 Сериал «Опера-2. Хроники убойного отдела».
9.45 «Дело лейтенанта Шмидта».
10.45, 13.45, 16.25, 00.15, 04.45 Вести. Дежурная часть.
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
11.30, 14.20, 16.40, 20.30 Местное время. Вести-Москва.
11.50, 21.55 Сериал «Вызов».
12.50 «Частная жизнь».
14.40 Сериал «Любовь моя».
15.10 «Суд идет».
17.15 «Кулагин и партнеры».
17.50 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
18.45 Сериал «Волчица».
19.45 Вести. Подробности.
20.50 «Спокойной ночи, малыши!».
21.00 Сериал «Опера-2. Хроники убойного отдела».
23.00 «Вести +».
23.20 «Гарем».
00.30 Фильм «Блокпост».
02.25 «Дорожный патруль».
02.45 Сериал «Закон и порядок»
03.35 Сериал «Город будущего».
04.20 Канал «Евроньюс»

**ТВ-3**

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00 М/ф. «Как львенок и черепаха пели песню».
9.15 М/ф. «Приключения запятой и точки».
9.30 Мультсериал «Сабрина - маленькая ведьма».
10.00 Мультсериал «Черепашки-ниндзя».
10.30 М/ф. «День рождения».
10.45 М/ф. «Кукушка и скворец».
11.00 Х/ф. «Ирландская удача».
12.45 Х/ф. «Белый олеандр».
15.00 «Осторожно, модерн!»
15.30 М/ф. «День рождения».
15.45 М/ф. «Кукушка и скворец».
16.00 Х/ф. «Бриллианты».
18.00 Х/ф. «Д'Артаньян и три мушкетера».
19.55 Ваш здоровый позвоночник.
20.00, 05.00 Сериал «Третья смена».
21.00 Х/ф. «Мужской характер, или танго над пропастью-2».
23.00 Х/ф. «Безликий».
01.00 Х/ф. «Вампирелла».
02.45 Х/ф. «Одержимый дьяволом».

**НТВ**

6.00 «Сегодня утром»
8.55 Сериал «Пепел феникса»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Сегодня»
10.20, 18.30 «Обзор за неделю. Чрезвычайное происшествие»
10.50 Ток-шоу «Принцип домино»
11.55 «Рублевка. Live»
13.25 Сериал «Улицы разбитых фонарей-7»
14.30 Сериал «У. Е.»
15.30 «Чрезвычайное происшествие»
16.25 Сериал «Возвращение Мухтара-2»
19.40 Сериал «Улицы разбитых фонарей-7»
20.50 Сериал «У.Е.»
22.40 «Бумер - II». Фильм о фильме
23.10 Шон Коннери в детективе «Правое дело»
01.10 Фильм «Крестный отец эфира»
03.05 Фильм «Защита свидетелей»
04.45 «Анатомия преступления»
05.15 Сериал «Морская полиция. Спецотдел»

### ЧОРШАНБА, 15

**«Ўзбекистон»**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Дунёдаги энг катта меҳмонхона».
9.45 «Ернинг муносиб эгасини топиш – долзарб масала».
10.05 «Диёр оҳанглари». Республика телеви-

*(Давоми 4-бетда)*

